

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 11



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Ёркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Рахбархон Муртазаева OLIY TA'LIMNI GUMANIZATSIYA VA GUMANITARIZATSIYALASH: "OLTIN O'RTALIQ"NI IZLASH.....	4
2. Oygul Alshykenova QOZOG'ISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH TIZIMNINING SHAKLLANISH VA RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI: TARIX VA FAKTLAR.....	11
3. Aziza Aminova QUYI ZARAFSHON VOHASI IQTISODIY TARAQQIYOTINING O'RGANISH XUSUSIYATLARI.....	18
4. Бехзод Исабеков ТУНКАТ-ИМЛОҚ КЎХНА ШАХАР ХАРОБАСИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	25
5. Jasurbek Karimjonov MUSTAQIL O'ZBEKISTONDA YOSHLARNI MUKOFOTLASH TIZIMINING SHAKLLANISHI.....	30
6. Қодиржон Нажмиддинов НАМАНГАН ШАХРИДАГИ ВИЛОЯТ ШИФОХОНАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	35
7. Нихола Нарзуллаева МУЛЛО САЙИД АХРОР МАҲДУМНИНГ ЎЛЧОВГА ОИД РИСОЛАСИ.....	41
8. Умирилло Ортиқов ЕТТИСУВ ВИЛОЯТИГА МЕТРОПОЛИЯДАН КЎЧИРИБ КЕЛТИРИЛГАН АҲОЛИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ВА ТУРМУШИ.....	45
9. Jurabek Polvonov МАНАЛЛИЙ ТАРИХЧИЛАР АСАРЛАРИ ВА КУНДАЛИКЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИДА НАРБИЙ БОШҚАРУВ ВА МУДОФАА ТИЗИМИ.....	51
10. Abdilatip Sarimsokov FARG'ONA VODIYSI O'ZBEKLARINING KUZ FASLIDA O'TKAZILGAN TAQVIMIY URF-ODAT VA MAROSIMLARI.....	59
11. Mahfuzaxon Shamsiyeva MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN O'ZARO HAMKORLIKNING YANGI BOSQICHI.....	65
12. Saida Hakimova RUS TADQIQOTCHILARI TOMONIDAN OROL DENGIZINING O'RGANILISHI (L.BERG EKSPEDITSIYASI MISOLIDA).....	70



Нихола Абдурахмановна Нарзуллаева,
ЎЗР ФА Абу Райхон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти кичик илмий ходими

МУЛЛО САЙЙИД АХРОР МАХДУМНИНГ ЎЛЧОВГА ОИД РИСОЛАСИ

For citation: Nikhola A.Narzullaeva. MULLAH SAYYID AKHRAR MAKHDUM'S SPECIAL TREATISE FOR MEASUREMENT. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 11, pp.41-44

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10157295>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX аср бошлари матбуот ва адлия соҳасида фаолият юритиб, ўзининг ўткир қаламига эга бўлган Мулло Саййид Ахрор Махдум ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, Мулло Саййид Ахрор Махдумнинг “Шариат ўлчаклари” асарининг аҳамияти ва тарихнинг ёрдамчи фанларидан саналмиш, тарихий метрология ва унга оид тадқиқотларга оид маълумотлар келтирилган. Бу рисола ўз даврида баъзи шаръий масалаларни ечишда жуда қулай қўлланма ҳисобланган. Рисолада манбалар асосида келтирилган таҳлиллар ўқувчига ўлчов атамаларининг тарқоқлиги, қийматларида тафовутларнинг мавжудлиги ва бошқа саволлар ечимида яқиндан кўмак беради.

Калит сўзлар: шариат, мисқол, фидя, закот, ушур, фитр.

Нихола Абдурахмановна Нарзуллаева,
Институт востоковедения имени Абу Райхана Беруни АН ЎЗР
младший научный сотрудник

ТРАКТАТ ИЗМЕРЕНИЯ МУЛЛЫ САЙЙИДА АХРАРА МАХДУМА

АННОТАЦИЯ

В статье речь идёт о Мулле Сайиде Ахрорхане Махдуме, который в начале XX века активно работал в сфере прессы и юстиции. Также представлена важность работы Муллы Сайида Ахрорхана Махдума «Шариат улчаклари» в исторической метрологии. В свое время этот трактат считался очень полезным источником в решении некоторых вопросов шариата. Анализ, представленный в трактате на основе источников, поможет читателю решить разброс терминов измерений, наличие различий в их значениях и другие вопросы.

Ключевые слова: мискал, фидя, закят, ушур, фитр.

Nikhola A.Narzullaeva,
Institute of Oriental Studies named after Abu Raikhan
Beruni of the Academy of Sciences of Uzbekistan. junior researcher

MULLAH SAYYID AKHRAR MAKHDUM'S SPECIAL TREATISE FOR MEASUREMENT

ABSTRACT

The article refers to Mullah Sayyid Akhrorkhan Makhdum, who at the beginning of the twentieth century actively worked in the field of press and justice. The importance of Mulla Sayyid Ahror Makhdum's work "Shari'a Ulchaklari" in historical metrology is also presented. In the past, this treatise was considered a very useful source in resolving some issues of Sharia. The analysis presented in the treatise based on the sources will help the reader resolve the variability of measurement terms, differences in their meanings, and other issues.

Index Terms: misqal, fidya, zakat, ushur, fitr.

1. Долзарблиги:

XX аср бошларида етишиб чиққан халқимизнинг зиёли қатлами вакилларида бўлмиш Мулло Саййид Аҳрорхон махдум, матбуот ва адлия соҳаларида фаолият юритган. Унинг “Ихлос” журналида ёритган масалалари, мусулмонлар учун тайёрлаган рисоласи ўша давр учун жуда долзарб саналган. Шаръий ҳукмлар, уларнинг халқ учун аҳамияти кабилар ҳам унинг мақолаларидан ўрин олган эди. Шу жумладан инсонларнинг асосий эҳтиёжи саналган ўлчов тизими ҳам унинг назаридан четда қолмаган. Кундалик турмушда қўлланилган ўлчовлар, уларнинг шариатда қўлланилиши, уларнинг шаръий қийматлари, эҳсонларда амал қилган меъёрлар муаллиф рисоласидан жой олган. Бу рисоланинг муомалага киритилиши ва тадқиқ этилиши бугунги кун илм-фани учун муҳим саналади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари ва умум қабул қилинган тарихий методлар орқали ёритилган бўлиб, унда ўтмишда амалда бўлган ўлчовларга оид рисола ва унинг муаллифи фаолияти манбалар асосида таҳлил қилинган.

Ўлчов тизимида оид маълумотлар манбаларда тарқок, бир бирига зид равишда келтирилади. Турли мавзудаги ёзма манбаларда метрологик атамаларга оид маълумотлар мавжуд, аммо бу бирликларни метрик тизимга айлантириш борасида таълимотлар кам учрайди. Тизимнинг маълум даври ёки айрим масалаларига қаратилган илмий изланишлар санокли. Соҳа ўрганилишида Давидович Е., Хинц В., шунингдек, Воҳидов Ш., Маллабоев А., Зиёвиддин А. каби олим ва тадқиқотчиларнинг изланишларини қайд этиш лозим. Шунингдек, ўлчов тизимида оид маълумотларни вақтли матбуот ва изоҳли луғатларда ҳам учратиш мумкин. Мулло Саййид Аҳрорхон рисоласида ўлчов тизимини қисқа ва аниқ шаклда изоҳлаб бера олган. Муаллиф ва унинг асари доирасида бирор тадқиқот амалга оширилмаган, баъзи кичик изоҳлар бундан мустасно.

3. Тадқиқот натижалари:

Мулло Саййид Аҳрорхон махдум Абдуллаев зиёлилардан бўлган. Мунаввар Қори Абдурашидхонов эсдаликларида унинг шоир Ғофур Ғуломнинг устози бўлгани ва Себзор даҳасининг (Тошкент) қозиси (1919-1920 йиллар) лавозимида ишлаган ҳақида маълумот учрайди [2]. Шу даврга оид қозилик актларида келган муҳрда: “Тошкент шаҳридаги Себзор даҳаси халқ суди”, жумласи мавжуд. Шунингдек, актлар сўнгида қозининг имзолари қўйилиши бироз фарқли, яъни фаолиятининг бошларида Саййид Аҳрорхон ўз номи ва отасининг номини тўлиқ ёзган бўлса, фаолиятининг сўнгги ойларида исми ва шарифи қисқартирилган ҳолатда келтирилган [9]. Шунингдек, муаллиф “Ислож” журналида мухбирлик фаолиятини олиб бориб, ўзининг бир нечта мақолаларини эълон қилган. 1915 йил март ойидан бошлаб Тошкентда нашр этила бошлаган «Ал-ислож» журнаliga Мунаввар Қори Абдурашидхонов асос солган, айрим сабабларга кўра, журналнинг расмий ҳужжатларини фақат Абдурахмон Сайёх Содиқов номига расмийлаштирилган. Бир қарашда фақат шаръий саволларга жавоб беришга мўлжаллангандек туюладиган бу диний журнал ҳадис ва оятлар воситасида истиқлол ғояларини тарғиб этган. Ушбу журналнинг сўнгги сони 1918 йилнинг феврилида дунё юзини кўрган ва Туркистон Марказий Ижрокўми қарорига

мувофиқ «сиёсий жихатдан зарарли нашр» сифатида ёпиб қўйилган. Саййид Аҳрорхон маҳдумнинг ўша давр банклар фаолиятига доир نظر غى جوابغه بر (Бонка хусусидаги жавобга бир назар) [6] ва баъзи шаръий масалаларга оид لار سوال كيراك ليك (Кераклик саволлар) [7] номли мақолалари шулар жумласидандир. Мулло Саид Аҳрорхон маҳдумнинг қаламига мансуб мақолалар баъзан исмининг бош ҳарфлари م س (МС) орқали имзоланган [7]. Муаллифнинг банклар фаолиятига бағишланган мақоласи катта шов-шувга сабаб бўлган. Мақола Туркистон генерал-губернаторлиги, охранка (Чор ҳукуматининг махфий ташкилоти) ҳодимлари ва “Россия-Осиё банки” хўжайинларининг ғзабига сабаб бўлган. Банкка қўйилган омонат даромади судхўрлик сифатида баҳоланиб, судхўрликдек фоизи ҳам ҳаромдир, каби хулосалар мақоладан жой олган эди. Бундан хабардор бўлган маҳаллий мусулмон давлатмандлари банк омонатига қўйилган пуллари қайтариб олганлар. Натижада “Россия-Осиё банки” катта зарар кўрган. Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг усталик билан ёзган жавоби журнални Чор ҳукуматининг “Ислоҳ”га ва мақола муаллифига нисбатан кўрилажак кескин жазо чораларидан сақлаб қолган [3].

Мулло Саййид Аҳрорхон маҳдум қозилик ва мухбирлик фаолиятидан ташқари илмий изланишлар ҳам олиб борган. Унинг тадқиқотлари асосан шаръий мавзулар ва уларнинг кундалик турмуш билан боғлиқ жиҳатлари бўлган. Шундай масалалардан бири ўлчов тизими эди. Ўлчов тизимининг тарихи узок ўтмишни ўз ичига олган. Бу тарихий жараён қадимий даврда пайдо бўлиб, асрлар оша тизим шаклида ривожланган. Тарихий метрологик тизимда ўлчов атамаларининг қийматлари ва истифода кўламлари ҳудулар ва даврларда кескин фарқ қилган. Ўлчов бирликларини тартибга солиш, яъни умумий бир қийматга келтириш жуда мушкул бўлган. Шундай вазиятда қонуний ёндашув мазкур масалани ечишда муҳим омил вазифасини бажарган. Ўлчов атамаларининг шаръий қийматлари Қуръон оятлари ва ҳадислар орқали ифодаланган. Бу эса халқ учун анча қулайликларни яратган. Айниқса, закот, ушр, фидя, фитр, мерос ва олди-сотди масалаларида айни муддао эди. Шунга қарамадан мазҳаблар орасида баъзан бирликларнинг қийматлари борасида тафовутлар учраган.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хонликларда амалда бўлган бирликлар, уларнинг истифода кўлами, ўлчов атамаларида мавжуд бўлган ҳудудлараро тафовут кабиларга доир бир нечта тадқиқотлар олиб борилган. Бу изланишлар асосан сўнгги ўрта асрларга оид манбалар, тарихий ҳужжатлардан жамланган маълумотларнинг таҳлиллари орқали амалга оширилган [4]. Айнан ўлчов бирликлари бағишланган манбалар санокли. Шундай бўлсада, буларнинг айримлари соҳа ҳақида яхлит тушунчага эга бўлиш имконини беради. Улардан бири Мулло Саййид Аҳрорхон маҳдумнинг “Шариат ўлчақлари” рисоласи бўлиб, ўлчовнинг шаръий қийматлари ҳақида маълумотлар жамланган муҳим манбалардан саналади.

“Шариат ўлчақлари” рисоласи тошбосма асар бўлиб, бугунги кунда ЎЗР ФА шарқшунослик институти Асосий фондида №728 (10113, 15681) рақами остида сақланади. Асар ўттиз икки саҳифадан иборат, шундан йигирма беш саҳифа шаръий ўлчов бирликларининг таҳлилларига оид, қолган етти саҳифадан муножотлар ўрин олган. Асар ҳижрий 1334 йили (мил. 1915 й.) ёзиб тугалланган. “Ислоҳ” матбаъ идораси томонидан муаллифнинг бажарган иши ўринли баҳоланиб, Тошкент шаҳрида нашр этилган. Рисола чоп этилгач, журналнинг йиллик обуначиларига ҳадя сифатида тарқатилган.

“Шариат ўлчақлари” рисоласида муаллиф ўлчов атамаларини тартиблаган ва уларнинг шаръий қийматларини қуръон оятлари ва ҳадислар орқали шарҳлаган. Шарҳланган ўлчов атамаларнинг барчаси оғирлик ва суюқлик ўлчовларига тегишли бўлиб, сочилувчан донли маҳсулотлар меъёр асосига олинган.

Ўлчов атамаларининг тарихига доир яхлит тадқиқотлар санокли, шу соҳага оид араб ва форс тилларидаги манбалар эса тадқиқотга муҳтож. Бугунги кунда ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида айнан ўлчов атамалари тарихига бағишланган бир нечта асарлар сақланади. Аммо улар ҳанузгача муомалага киритилмаган. Таржима қилинган кўплаб тарихий манбаларда эса бирликлар тарқоқ ҳолатда, ҳудудлар ва қўлланилиши ҳақида тайинли маълумотларсиз учрайди. В.Хинц ва Е.Давидовичнинг

изланишлари, бирликларнинг таҳлиллари бугунги кунда деярли барча тадқиқотчилар мурожаат қиладиган асосий адабиётга айланган. Е.Давидовичнинг тадқиқоти асосан кундалик турмушда амалда бўлган бирликлар ва уларнинг қийматлари таҳлилларини қамраб олган. Рисолада келтирилган бирликларнинг миқдорлари эса Қуръон оятлари, шаръий ҳукмлар, ровийларнинг маълумотлари ва дин пешволарининг фатволари орқали ифодаланган.

4. Хулосалар:

Мулло Саййид Аҳрорхон маҳдумнинг бу рисоласи айти пайтгача бирор бир мақола ёки тадқиқотга жалб қилинмаган эди. ЎзР ФА Шарқшунослик институти “Тарихий ҳужжатлар тадқиқи ва нашри” бўлимида илк марта 2022 йилда “Шариат ўлчаклари” рисоласининг илмий нашри амалга оширилди. Ушбу нашр асарнинг ҳозирги имлога ўтирилган шакли, араб имлосидаги матнидан иборат бўлиб, изоҳлари билан тўлдирилган.

Рисолада шевага оид сўзлар, баъзи имловий хатолар ҳам қўзга ташланади. Асарнинг иккинчи саҳифасида “лисониими”-“лисониимизни”, “рисолами”- “рисолаимизни”, еттинчи саҳифасида эса “тўт”- “тўрт” каби янглиш шаклда ёзилганини кўриш мумкин. Шунингдек, биринчи ва ўн учинчи саҳифаларда *ايچون* – “ичун”, қолган жойларда *اوچون* – “учун” қўлланилган.

Рисола ўз даврида қўлаб шаръий масалаларда қулай қўлланма вазифасини бажарган дея олиш мумкин. Ушбу асарда бериладиган закот, фидя, фитр каби эҳсонларнинг миқдорини ўлчашда керак бўладиган маълумотлар манбаларга асосланиб, тартибланган. Унда келтирилган сочилувчан маҳсулотларнинг донга орқали бирликлар қийматларини ифодаланиши анча қулайлик яратди. Яъни бугунги кунда мавжуд тарозилар орқали бир донга арпанинг оғирлигини ўлчаш орқали мисқолнинг қийматини аниқлаш мумкин. Ва шу каби келтирилган маълумотлар тарихий ўлчов атамаларинининг миқдорларини таҳлил қилишга имкон яратади. Муаллиф асарда араб ўлчов бирликларидан *ратл*, *мудд*, *соъ*, *васақ* кабиларни келтирган [5]. Ўлчовдаги тафовут, мазҳаблар орасида фикларнинг хилма хиллиги ва ҳокозо ҳолатлар ҳақида ҳам фикр юритилади. Умуман олганда асар тарихий метрологияга оид яхлит манба саналади ва бугунги кунда шу соҳада тадқиқот олиб бораётган изланувчилар учун ноёб қўлланма вазифасини ўтайди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Abdurashid Ibrohim. Olami islom va Yaponiyaga islomning yoyilishi. –Т., 2023. –Б.11
2. Abdurashidxonov Munavvar Qori. Tanlangan asarlar. –Т., 2003. –Б.33
3. Agzamxodjayev S., Ulug'bekova Z. “Al-isloh” jurnali– Turkistondagi islohotchilik harakatini o'rganish bo'yicha tarixiy manba (1915–1918 yillar). – Т., 2021. –Б.45
4. Davidovich Ye.A. Materiali po metrologii srednevekovoy Sredney Azii. –М., 1970. –146 Б.
5. Mullo Sayyid Ahror. Shariat o'Ichaklari. –Т., 2022. –45 Б.
6. O'zR FASHI. Toshbosma №15754, 1914 yil 24 fevral, 4-son.
7. O'zR FASHI. Toshbosma №15755, 1915 yil 15 noyabr, 21-son.
8. O'zR FASHI. Toshbosma №15755, 1915 yil 15 noyabr, 21-son.
9. O'z MA И-365, Опись №I, Дело №45. –Б.635-786
10. Ulrich Rebstock. Weights and Measures in Islam//Encyclopaedia of the History of Science, Technology, and Medicine in Non-Western Cultures. – Berlin., 2008. p.2255-2267

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 6, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST
VOLUME 6, ISSUE 11

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000